



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Расулов Дилшодбек Ўткур ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 220-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14883696>

ARTICLE INFO

Received: 11th February 2025

Accepted: 12th February 2025

Published: 17th February 2025

KEYWORDS

профилактика инспектори,
жамоат тартиби, жамоат,
профилактика, ҳуқуқий асослар,
профилактик чора-тадбирлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада мавзунинг долзарблиги, Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокини такомиллаштириш тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати ва профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. шунингдек ҳозирги кунда профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокини такомиллаштиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар, ҳамда юқорида келтириб ўтилган жиҳатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси

жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди.

Миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да, жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ асосий тушунчалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, концепцияни амалга ошириш механизмлари ва уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар каби масалалар белгиланди.

Маълумки, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш зарурати мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олишни талаб этади. Бу борада “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси”нинг мақсади ҳам мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат бўлди.

Кўриш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси объектив зарурат сифатида юзага келди ва давлат ушбу заруратни ўз вақтида англаб, уни расмийлаштирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасининг сифат жиҳатидан турдошлиги муайян ҳуқуқ тармоғининг шаклланишини тақозо этади ва шу боис у ёки бу ҳуқуқ тармоғининг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлади. Инсоният тарихига назар соладиган бўлсак, қадимги даврлардан бошлаб хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзига хос алоҳида кучлар хизмат олиб борган. Ушбу соҳада яъни хавфсизликни таъминлаш масаласида хатоликларга йўл қўйишлар тарихдан маълумки, турли хил ҳалокатли ҳолатларни келтириб чиқарган яъни бутун бир шаҳарнинг ёнғин ўраб олганлиги, бутун бир минтақада одамларнинг касалланиш ёки захарланиш оқибати ёппасига вафот этганлиги ёки давлат раҳбарлари, бошқа мансабдор шахсларга суйиқасдлар уюштирилиши, кенг оммавий тартибсизликлар содир этилганлиги ва натижада бутун бир давлат бошқарув тизими издан чиққанлиги каби нохуш ҳолатлар бизга маълум.

Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ҳақида тўғридан-тўғри гапиришдан олдин, ҳар хил хавфсизлик турлари учун умумий тушунча вазифасини бажарадиган “хавфсизлик” категориясини мазмун-моҳиятини тушуниб олиш лозим.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хавфсизлик” тушунчаси хавф-хатарнинг йўқлиги, хавф бўлмаган ҳолат сифатида талқин этилган.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти – бу криминоген вазият таҳлили асосида маъмурий ҳудудда жойлашган жамоат жойларида ва объектларда жамоат хавф-сиз-лиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг олдини олиш.

«Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун тўлиқ шароит

яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган, ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими».

«Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади».

Демак, «жамоат тартиби» «жамоат хавфсизлиги»га қараганда кенгроқ тушунчадир. Бироқ, ўз ўрнида «жамоат тартибини сақлаш фаолияти» «жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти»га нисбатан тор тушунча бўлиб, у бевосита ички ишлар органларининг тегишли хизматлари томонидан амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятлари ҳам узвий боғлиқ. Негаки, жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш орқали жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Жамоат тартиби соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўринни конституциявий нормалар эгаллайди. Ушбу нормалар давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя қилиш мажбуриятини юклайди, жумладан 71-моддага мувофиқ, «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этиш тақиқланади».¹

Шунингдек асосий қонунимизнинг 2-моддасида белгиланганидек, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул этиб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь Қонунлари милиция таянч пунктлари субъектларининг вояга етмаган-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ҳамда бу борада ҳамкорликни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Профилактика инспектори хизмат кўрсатиш ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турларидан ўз ўрнида фойдаланиши лозим. Жумладан, мумуий профилактикада фуқароларни жамоат тартибини бузмасликка чақирувчи тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширса, махсус профилактикада жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар кўпайганда махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш зарурати келиб чиқади, якка профилактикасида жамоат тартибига қарши ва фуқароларнинг хавфсизлигига раҳна солувчи ҳуқуқбузарлик содир этган ёки шунга мойил бўлган шахслар билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни амалга оширади, виктимологик профилактикада эса ўз

¹ Ўзбекистон республикаси Конституцияси : 2023 йил

навбатида фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг жабрланувчиси бўлиб қолмасликлари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этади.

Профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахсларнинг, шу жумладан илгари судланган шахсларнинг рўйхатлари ички ишлар органи навбатчилик қисмидаги компьютернинг алоҳида файлида сақланади ва ушбу маълумотлардан хизматда фойдаланилади. Рўйхат ҳисобот ойининг якуни бўйича ички ишлар органи ҳисобни қайд этиш инспектори томонидан Ахборот

марказидан олинган маълумотлар асосида янгилаб борилади²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги

ПҚ-2896-сонли қарори билан эса бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 3528-сонли Қарори профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади..

Мазкур қарор асосида ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг “Хавфсиз пойтахт” концепцияси асосида қуйидаги вазифалари белгиланди:

1) Тошкент шаҳрининг хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмининг жорий этиш;

2) «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мафкураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш;

3) аҳолига энг яқин бўлган жойларда куч ва воситалар фаолиятини бевосита бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини яратиш чораларини кўриш;

4) ички ишлар органлари бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва ташкил этиш, секторларга бўлиш тамойили асосида туман ҳудуди доирасида реал вужудга келган тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда мавжуд куч ва воситаларни тақсимлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июн куни “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3786-сонли Қарори асосида Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида:

соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режимини ташкил этиш;

² Ҳамдам Бабаханов, Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари <https://eyib.uz/index.php/EYIB/article/view/418>

хуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмалари, биринчи навбатда, жамоат тартибини таъминлаш кучларининг патруль гуруҳлари ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.

сутканинг кечки ва тунги вақтидаги фаолият жамоат тартибини таъминлаш кучларининг ва жалб этилган давлат органлари бўлинмалари шахсий таркибининг яқин ҳамкорлигида ташкил этилади;

жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида автомобилларда патруллик қилиш аралаш тартибда, яъни ҳам автомобилларда, ҳам пиёда амалга оширилади;

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб боришга жалб этилган жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва давлат органлари шахсий таркибининг фаолияти даврий равишда сутканинг кундузги вақтидаги иш билан алмаштириб турилиши белгиланди.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – XIII боб..
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 592..
3. Ҳ.Қ. Бабаханов. илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари //EYIB халқаро илмий журнал/11. – 2024. – V. 3. – №. 1 Special Issue. – С. 14-16.
<https://eyib.uz/index.php/EYIB/article/view/418>
4. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018 й. – Б.279.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й
7. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI. *New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari*, 1 (6), 193-200.